

Босния Герцеговинада Қуръони карим кўргазмаси ўз ишини бошлади



10:10 / 30.04.2019 2199

Босния Герцеговинанинг Мостар шаҳрида Юнус Эмро институти томонидан **“Қуръони карим билан қалбингга ёзаман”** шиори остида ташкил этилган кўргазмада Қуръони каримнинг 114 та нусхаси намойиш этилмоқда, деб хабар беради АА.

Нусрат Омериканинг коллекциясига мансуб ушбу Қуръонлар орасида қадимий қўлёзма нусхалардан тоортиб олтин суви билан ёзилганлари ҳам ўрин олган. Маълум бўлишича, 300 йиллик тарихга эга бўлган 6 та Қуръони карим биринчи марта намойиш этилмоқда.

– Уйимда 3 мингта китобдан иборат кутубхонам бор, уларнинг орасида 200 та Қуръонин карим алоҳида ажралиб туради, – дейди 10 йилдан буён

Қуръони карим нусхалари жамлаётган коллекционер. – Муқаддас китобга бўлган муҳаббатим ота-боболаримдан мерос.

Кўргазмага ўз муносабатини билдира туриб, Қоракўз Бей мадрасаси мутасаддиси Сулжон Жикотич: «Қуръони каримни муҳофаза қилмоқ илдиларимизни муҳофаза қилмоқдир», – дея таъкидлаб ўтди.

Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Islom.uz портали таҳририяти